ХАЙВОНЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА УМУМИЙ МОСЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ф.Э.Юлдашев [1] ***. Н.А.Норматова*** [2] ***.***
1.Анд ДУ. Зоология ва биокимё кафедраси доценти к.х.ф.ф.д
2. Биология йуналиши 3-боскич таылабаси.
Андижон Давлат Университети

Аннотация: Ушбу маколада хайвонларнинг таркалиши ва умумий мосланиш хусусийатлари сут емизувчилар мисолида каракли адабийотлар йордамида йоритиб берилган.

Калит сузлар: Ер, хайвон, Тибет, сут емизувчилар, дарранда, ýсимликлар, туёклилар, сув.

Аннотация: В этой статье расселение животных и общие характеристики одаптации рассматриваются с использованием соответствующей литературы в качестве примеров млекопитающих.

Ключевые слова: земля, животные, Тибет, млекопитающие, птицы, растения, копытные, вода.

Annotation: In this article, distrubution and general adaptation characterics of animals are covered with the help of relevand literature on the example or mammals.

Keywords: Earth, animals, Tibet, mammals,birds, plants, ungulates, water.

Хайвонлар (асосан сут эмизувчилар) ер юзида Антарктидадан ташқари барча қитъаларда, куруқлик ва океанларда тарқалган. Уларнинг кенг таркалганлиги, бу хайвонларнинг юқори даражада тузилганлиги билан боғлик. Тибетда 6 минг метр баландликда ёввойи қўй ва эчкилар, Арабистоннинг гиёхсиз чўлу-сахроларида охулар подаси учрайди. Марказий Тяншанда 3-4 минг метр баландликда юмронкозиқ, суғур, ёввойи эчкилар, ёввойи қўйлар ва ирбис учрайди. Химолайнинг 6 минг метргача бўлган баландликларида кушлар, хатто бўрилар 7150 метр баландликка кўтарилганлиги маълум. Иқлимлаштириш натижасида эса бир жойда учрайдиган хайвонлар турлари бошқа худудларга тарқатилган. Лекин, шунга қарамасдан айрим тур хайвонлар маълум шарт-шароитлар бўлгандагина яшайди. Масалан: маймунлар, сув айғирлари, каркидонлар маълум даражада доимий иссиқ жой бўлган шароитда яшайди. Бошқа томондан Ўрта Осиёда ёз ойларидаги жазирама иссиқ кўпгина кемирувчиларнинг хаётини чегаралаб қўяди. Агар юмронқозиқ 20 минут жазира иссиқда ушлаб турилса, у халок бўлади. Жанубий Америкдан олиб келиб иқлимлаштирилган нутриянинг яшаш шароити шуни кўрсатадики, қаерда сувнинг юза қисми музламаса ёки узоғи билан бир ойгина музласа, ўша ерда

нутриялар яшаб кетади. Чунки муз нутрияларнинг сув остидан ўсимлик озуқасини топишга халал беради. Шунга карамасдан айрим хайвонлар борки, (оқ қуёнлар) улар уя қурмасдан бутун йил бўйи фаол хадёт кечиради ва -30°С сувукка, хамда +35°С иссиққа чидаб яшайди. Оқ қуёнлар Якутиядаги -68°С ли совуққа ва ёзда бўладиган +35°С ли иссиққа чидайди, шундай шароитда Якутияда тулкилар хам яшайди. Тулкилар Ўрта Осиёнинг +50°С ли иссиғига ва -30°С ли совуғига чидайди. Намлик хайвонларнинг тарқалишига унчалик таъсир қилмайди. Фақат усти яланғоч ёки терисида жуни кам бўлган сув айғирлари ва буйволларгина қурғокчиликдан қийналади. Шунинг учун хам улар намли тропик худудларда тарқалган. А.Н.Фармозовнинг маълумотларига кўра 90 см ли қорли худудларда лосларнинг юриши қийинлашади, буғулар хам 50 см ли қорларда юра олмайди, чўчқалар 30-40 см ли қорларда кам учрайди, Чунки бундай қалин қорли жойларда улар овқат топа олмайди. Албатта хайвонларнинг тарқалиши бошқа хайвонлар сингари яшаш мухитига бевосита боғлиқ. Дастлабки хайвонлар факат қуруқликда дарахтда яшаган, эволюцион жараёнлар натижасида улар ер шарининг бошқа минтақаларида яшашга хам мослашган. Хайвонлар яшаш шароитига қараб тўртта экологик гурухга бўлинади [1,2]:

1. Ер устида яшовчи хайвонлар.
2. Ер остида яшовчи хайвонлар.
3. Сувда яшовчи хайвонлар.
4. Учар даррандалар.

I. Ер устида яшовчи хайвонларга энг кўп турлар кириб, улар ер шарининг барча қуруқликларида, ўрмон, бутазор хамда очик ерларда яшашга мослашган. Ўрмонда, дарахтларда яшовчилар кўп вақктини дарахтда ўтказади, дарахтда озиқ топиб ейди, дам олади ва кўпайиш учун уя қуришда дарахт ковакларидан фойдаланади. Масалан: кемирувчилардан олмахон, йиртқичлардан айрим тур сувсарлар, маймунларнинг кўплаб турлари дарахтда яшайди, қаттик ерда юришга Пржевальский оти, зебра, жайрон ва сайғоклар мослашган, чунки уларнинг бармоғи қисқарган, таяниш юзи кичик. Юмшок ерларда юрадиган хайвонларда (қумда, ботқоқликда, кўп қорли худудларда) оёғини таяниш юзи кенг бўлади (шимолда яшовчи кийиклар, лось). Тоғда яшовчи туёқлиларнинг (тоғ эчкилари, тоғ қўйлари) туёклари ўткир ва мустахкам бўлади. Ўрмонда яшовчи кўпчилик хайвонларнинг хаёт кечириши курукликда, ер устида ўтади (айиқ, лось, кийик). Чунки улар озиқасини ер устидан топади, дарахтга чиқолмайди. Баъзи хайвонлар хаётининг кўп қисми дарахт билан боғлик, дарахтга ўрмалаб чиқади, урчийди, душмандан сақланади (олмахон, Жанубий Осиё айиғи ва кўпгина маймунлар). Уларнинг дарахтга ўрмалаб чиқиши хам хар хил, кўпчилиги ўткир тирноқлари билан, опоссумлар эса думи ёрдамида дарахтга чикади. Баъзилари дарахтда сакрайди (гиббон ва ўргимчаксимон маймунлар,

ялков, айрим чумолихўрлар). Ўрмонда яшовчилар ичида ярим дарахтда ва ярим ерда яшовчилари хам бор, Масалан: соболь озиғини ердан топади. Соболь озиғинииг 20-50% ни кемирувчилар, 30-60% ни ёнғоқ ва бошқа мевалар, 5-10% ни қушлар ва 1-15% ни олмахонлар ташкил қилади. Қора айиқ хам ўз озиғини ердан топади, мевалар ва асал билан озиқланади, дарахтга хам яхши чиқа олади. Кемирувчилардан бу гурухга бурундук киради, Очиқ жойда яшовчилар хам хилма-хил. Бу гурухга фақат ер устида яшовчи туёқли хайвонлар, ер остида уя қуриб, овкатини ер устидан топувчи қушоёқлар, юмронқозиқлар, кўпчилик йиртқичлар, товушқонлар киради. Очиқ жойда ер устида хаёт кечирувчи хайвонлар ўсимликлар билан озиқланади (кемирувчилар ва туёқлилар). Туёқлилар тез чопишга мослашган, улар озиқ ахтариб узоқ жойларга кенг тарқалган. Масалан; бизон соатига 40-45 км, жирафа 45-50 км, арслон -80 км, гепард 110-112 км, ёввойи эшак-50-55 км, оху (гизол)- 65 км, бўри- 45-60 км, зебра -65 км тезликда чопади. Бу хайвонларнинг душмандан сақланиш чоралари тез югуриш бўлиб, уларни кўзи яхши ривожланган, бўйин кисми узун, кўпчилиги сувсизликка чидамли бўлади (от, туя, жирафа). Туёқлилар ўзлари учун уя ёки бошпана қурмайди, болалари тўлиқ ривожланган холда туғилади. Гигант кенгуру соатига 40 км чопади. Сахрода очик худудларда қўшоёқлар озик топиш учун тез харакатланиши керак. Улар туёқлиларга ўхшаш тўртта оёғи билан харакатланади, лекин сакраганда узун орқа оёғи иштирок этади. Қушоёқлар гурухига яна халтали каламуш ва Австралияда яшайдиган бошқа халталилар киради. Бу гурухга кирувчи хайвонлар ўт-ўлан билан бир қаторда хашаротлар билан хам озиқланади. Туёқлилардан фарқ қилиб улар ўзларига уя ясайди, уясини ердан пастга қаратиб хар хил шаклда ясайди. Бу уяларида душманларидан сақланади. Болалари нимжон, кўзлари юмиқ туғилади. Хомиладорлик даври қисқа бўлади. Сахроларда суғур ва юмронқозиқлар кўп учрайди. Улар ўсимликлар ва уларнинг уруғлари билан озиқланади [1,3].

II. Ер остида яшовчи хайвонлар экологик гурухига турли туркум вакиллари киради. Улар ер ости мухитига ўта мослашган бўлиб, хаётининг кўп қисмини ер остида ўтказади. Бу гурухга кирувчи хайвонларнинг кўзлари ва қулоқ супралари ривожланмаган. Думи калта ва қилсиз бўлади ёки мутлоқо бўлмайди. Кўрсичконлар, сўқир-сичконлар, ерқазарлар ер устига деярли чиқмайди. Ер ковловчи даррандалардан кўпчиликлар орасида қопчиқли крот, хашаротхўрлар орасида крот ва Африка олтин кроти, нотўлиқ тишлилардан зирхлилар киради. Улар кучли олдинги оёқлари билан ерни ковлаб уя ясайди. Баъзилари ерни тишлари билан ковлаб уя ясайди (крот, кўрсичкон). Уларнинг лаблари оғзига тупроқ киришидан сақлайди. Бу гурухга кирувчи хайвонлардан кўрсичқон, сўқирсичқон, кротлар Европа ва Осиёда, тилларанг кротлар Африкада ва копчиқли кротлар Австралияда тарқалган [2,4].

III. Сувда яшовчи хайвонлар орасида морфологик томондан сувда яшашга камроқ мослашган вакилларига норка, оқ айиқ, сув каламуши, қундуз, денгиз бобри, сув ерқазари, сув даласичқони, ондатара, сув чўчкаси, сув айғири, Ўрдакбурун ва нутриялар киради. Сувда яшашга кучлироқ мослашганларига моржлар ва тюленлар хамда сувда яшашга бутунлай мослашганларига китлар, акулалар, дельфинлар киради. Уларнинг гавдаси баликка ўхшаб боши танаси билан қўшилиб кетган. Бу гурухга кируви хайвонларнинг озиғи балиқ, амфибия, денгиз юлдузи, моллюска, денгиз кирписи ва краблар хисобланади. Сувда яшовчи хайвонларнинг терисида жун қатлами, ёғ ва тер безлари йўколиб кетган. Кейинги оёклари йук.

IV. Учар даррандаларга фақат қўлқанотлилар, яъни кўршапалаклар туркуми вакиллари киради. Хавода учиб юриш учун уларда учиш органи-қанот пайдо бўлган, тўш суягининг олдинги юзасида кўкрак тож суяги ривожланган. Бош скелетга суяклари кўшилиб кетган. Тунги хайвонлар бўлганлиги учун эшитиш ва сезиш органлари яхши ривожланган. Улар мевалар ва хашаротлар билан озиқланади. Мевахўр кўршапалаклар дарахт шохлари орасида дам олади. Бизда яшайдиган кўршапалаклар орасида малла шомшапалак дарахт ковакларида дам олади. Хайвонларнинг бошқа туркумлари орасида лентяга, жунқанот, олмахон ва қопчиқли олмахонлар бир дарахтдан иккинчи дарахтга 10 метрдан ортиқ масофага сакраб учиб ўтади [4,5].

Озиқланиши. Хайвонларнинг озиғи нихоятда хилма-хил. Озикнинг хилига қараб хайвонлар гўштхўрлар ва ўсимликхўрлар гурухларига бўлинади. Гўштхўрлар гурухи уз навбатида хашаротхўрлар (кўршапалаклар, ерқазарлар, чумолихўрлар, найтишлилар, ехидналар), йиртқичлар (йиртқичлар, айрим қопчиқлилар, дельфинлар, тюленлар) ва ўлаксахўрлар (шокол, сиртлон) га бўлинади. Ўсимликхўр даррандалар жуда хам кўп. Бу гурухга кўпчилик маймунлар, кемирувчилар, туёклилар, қопчиқлилар киради. Хайвонларнинг мазкур гурухлари қисман шартли бўлиб, хайвонларнинг географик тарқалиши, ёши, йил фаслларига қараб ўзгариб туради. Масалан: қўнғир айиқ Жанубий Кавказда ўсимлик билан озикланса, Узоқ Шаркда балиқ ва тюленлар билан озиқланади. Кўпгина гўштхўр хайвонлар ўсимликлар билан кам озикланади. Масалан; сувсарлар, тулкилар хар хил меваларни кам ейди. Айрим хайвонларни юқорида баён этилган гурухларга киритиб бўлмайди. Масалан: хайвонларнинг қонини сўриб озиқланувчи кўршапалаклардан - вампирлар шундай, уларнинг қизилўнгачи шу қадар торки, ундан хеч қандай қуюқ озиқ ўтмайди. Денгиз қундузи, денгиз типратикани моллюскалар билан озиқланади, шунинг учун уларнинг қозиқ тишлари ясси бўлади. Ўсимликхўрларнинг характерли белгиларига яссиланган озиқ тишларининг бўлиши, қозиқ тишларининг бўлмаслиги ёки кичик бўлиши, курак тишларининг искана шаклда бўлиши,

кўричак ва ичакларининг узун бўлишидир. Ўсимликхўрлар хам ўз навбатида ўтхўрлар (отлар, каркидонлар, кўпчилик жуфт туёқлилар; кемирувчилардан дала сичқонлари, думсиз сичқонлар, суғурлар), новдахўрлар ва баргхўрлар (филлар, жирафалар, ялқовлар, лослар), мевахўрлар (катта мевахўр кўршапалаклар, чала маймунлар, маймунлар) ва донхўрларга (кўпгина кемирувчилар) бўлинади. Уларнинг тиш тузилиши хам хар хил, бунга сабаб албатта хар хил ўсимликлар билан озиқланишидир. Юмшоқ ўсимликлар билан озиқланувчиларда озиқ тишларининг усти текис бўлади, дағал ўсимликлар билан озиқланувчиларнинг озиқ тишлари чайнаш юзасида кўндаланг қаттик эмал бурмалари билан қопланган [4,5].

Озиқ ғамлаш. Кўпгина хайвонлар йилнинг нокулай пайтларида озиқланиш учун озиқ ғамлаб қўяди. Бу хусусият кўпроқ кемирувчиларда учрайди. Масалан: чўлда яшайдиган думсиз сичқонлар, дала сичқонлари, кўрсичқонлар, олахуржунлар, сассиккўзан, норка ва бошкалар ўтларни қуритиб қоялар ёриғига ва тошлар остита кўмиб қўяди. Қўзиқорин кўп бўлган йиллари битта олмахон 10 тадан 2 минг донагача қўзиқоринни ғамлаб қўяди. Сассиққўзан ва норкалар бақаларни хам ўлдириб уяларига тўплайди [1,5].

Адабиётлар:

1. Дадаев С. Умуртқалилар зоологияси. Маърузалар матни. Низомий номидаги ТД11У нашриёти. Тошкент. 2000,129 б.

2. Константинов В.М., Наумов С.П., Наталова С П. Зоология позвоночных: Учебник для высш. пед. учеб. Заведений.-М. : « Академия», 2007,464 с.

3. Лаханов Ж. Л. Умуртқалилар зоологияси. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Т., 2005, 280 б.

4. Наумов. С. П. Зоология позвоночных. Учебник для студентов пед.интов по боил.спец. М., «Просвещение», 1982, 464 с.

5. Наумов. С. П. Умуртқалилар зоологияси. Педагогика институтаарининг биология ихтисослиги талабалари учун дарслик. Т.: Ўқитувчи, 1995, 384 б.